

ШАНХАЙ ҲАМКЛОРЛИК ТАШҚИЛОТИ: МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯНГИ МИНТАҚАВИЙЛИК МУХИТ АКСИ

P. Нуримбетов,

Ўзбекистон Республикасининг ШХТ ишлари бўйича миллий координатори,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Салкам йигирма йилдан ортиқ давр ичидаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) катта тараққиёт йўлини босиб ўтди ва замонавий халқаро ва минтақавий муносабатларнинг муҳим омилига айланаб улгурди.

Ҳозирда ШХТ дунёning энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо давлатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошади. Бу Евроосиё қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғи демак. Бу маконда истиқомат қилувчи аҳолининг умумий сони 3,2 миллиард кишини ташкил этади, яъни ер сайёраси аҳолисининг қарийб ярмидир¹.

ШХТнинг “жўғрофий масъулият ҳудуди” ер куррасининг уч қитъасини – Осиё, Европа ва Африкани қамраб олган

Ҳозирда ташкилот 8 доимий аъзо давлатни, 4 нафар кузатувчи ва 9 мулоқот

бўйича шерик давлатларни ўз атрофига бирлаштирган.

Ўзбекистон раислигида 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммит доирасида ШХТ ва Эрон Ислом Республикаси ўртасида ушбу мамлакатнинг ташкилотга тўлақонли аҳо бўлиб кириши муносабати билан келиб чиқувчи мажбурияtlари тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Беларусь Республикасини ШХТга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилиш процедурасини бошлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, Бахрейн, Бирлашган Араб Амирлиги, Мальдив, Мьянма ва Қатар давлатларини ташкилотга мулоқот бўйича шерик сифатида қабул

¹ Р.Алимов. Алимов Р.К. Шанхайская организация сотрудничества: становление, развитие, перспективы. 2017 г. М.: Издательство «Весь Мир». 336 с.

қилиш тўғрисидаги келишувларга эришилди.² Бу дегани, яқин орада “ШХТ оиласи” 26 нафар мамлакатни ўз ичига қамраб олишини англатади. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг ушбу тузилма билан у ёки бу форматда ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқиши тобора ўсиб бормоқда.

ШХТ макони - йирик хом а шё захиралари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, малакали ишчи кучи ва инсон капитали, технологик салоҳият мавжудлиги нуқтаи назаридан ўзини ўзи таъминлайдиган макондир.

Ҳозирда ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётининг умумий ҳажми қарийб 20 триллион АҚШ долларини ташкил этади, бу эса ташкилот тузилган пайтдагидан 13 баробарга кўп. ШХТ макони дунёдаги энг йирик истеъмол бозорини ташкил этади. Бугунги кунда унга аъзо мамлакатларнинг умумий ялпи ички маҳсулоти умумжаҳон кўрсаткичларининг қарийб $\frac{1}{4}$ қисмига етди. 2030 йилга бориб бу рақам жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 35-40 фоизигача ортиши мумкин.³

Глобал миқёсда ўзаро боғлиқлик тобора кучайиб бораётган бир шароитда ШХТ ҳали ишга солинмаган катта транспорт ва транзит салоҳиятига эга. Минтақавий ва халқаро ишлаб чиқариш-таъминот занжирларини диверсификация қилиш шароитида Евросиё қитъасида Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналишлари бўйича янги халқаро темир йўл ва автомобил йўлакларини яратиш моҳиятан стратегик аҳамият касб этмоқда ва бу жараёнларнинг марказида айнан ШХТ турибди.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. Самарқанд шаҳри, 2022 йил 16 сентябр.

https://aza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-shanxay-hamkorlik-tashkilotiga-azo-davlatlar-rahbarlari-kengashining-mazhlisidagi-nutqi_408173

³ Генеральний секретарь ШОС В.И.Норов выступил на панельной сессии: «Качественное взаимодействие в сфере торговли и коммерции» Форума народной дипломатии ШОС

<http://rus.sectsco.org/news/20210602/758686.html>

**ШХТ - цивилизацияларо мулокот
ва маданий–гуманитар ҳамкорликни
мустаҳкамлаш учун истиқболли
кўптомонлама платформа ҳамдир**

Ташкилотнинг мана шундай аҳамияти айниқса, халқаро муносабатларда ҳозирда кесинлашиб бораётган

ишончсизлик ва антагонистик кайфиятлар шароитида янада долзарб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ташкилотнинг муваффақиятини ва жозибадорлигини белгилаб бераётган энг мухим жиҳатлардан бири – унинг сиёсий ёки сиёсий ҳарбий блок эмаслиги. Яъни ШХТ – бу очик, геосиёсий ва мағкуравий зиддиятлардан холи ва учинчи мамлақатлар ва халқаро тузилмаларга қарши қаратилмаган ташкилот.

Шу билан бирга илмий-концептуал жиҳатдан ШХТ – бу минтақавий ташкилот ва ўтган давр ичидағи унинг асосий фаолияти айнан Марказий Осиё ва унинг ён-атрофидаги кечаётган геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнлар, минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни ривожлантириш масалалари билан чамбарчас боғлиқ.

**Минтақавий ташкилотларни
ўрганишда “янги минтақавийлик”
назарияси**

Дунё тартиботи, тўғрироғи либерал тартибот таназзули

атрофидаги мунозара ва баҳсларда халқаро ташкилотларнинг, энг аввало, универсал тузилмаларнинг (БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари) ҳам аҳамияти тушиб кетаётганлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалар тобора кўпайиб, улар пандемия инқирози сабаб янги босқичга қўтарилди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши, Бреттон-Вудс институтлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Ҳалқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХССТ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ва Иккинчи жаҳон урушидан кейин тузилган бошқа кўп томонлама институтларни ислоҳ қилиш атрофидаги баҳслар, улар легитимлигининг айрим мамлакатлар томонидан тан

олинмаслиги гўёки юқоридаги фикрларни тасдиқлади.⁴ Уларга қисман кўшилган ҳолда, кўп томонлама институтлар бутунлай боши берк кўчага кириб қолган, деган фирмдан йироқмиз. Илмий адабиётлар ва таҳлилий тадқиқотларда универсал халқаро ташкилотлар инқирозга юз тутаётганлиги – бу эски дунё тартиботи емирилишининг намоёни, минтақавий ташкилотлар ва минтақавий ҳамкорлик бошқа форматларининг янги глобал бошқарув тизимини шакллантиришдаги аҳамияти ортаётганлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар кўпаймоқда. Буни халқаро муносабатларнинг минтақалашув тенденциялари ёхуд фрагментацияга учраётганлиги билан боғлашади. Қисқача қилиб айтганда, Иккинчи жаҳон урушидан кейин тузилган универсал халқаро ташкилотлар “эски” дунё тартибот тамойиллари ва қоидаларини шакллантиришда ва ҳаётга тадбиқ қилишда асосий механизмлар бўлиб хизмат қилган бўлса, бугун улар яратган “ўйин қоидалари”, шу жумладан, халқаро ҳукуқ нормалари бузилмоқда (айниқса АҚШ, қисман Россия, Хитой ва бошқа қудратли давлатлар томонидан) ёхуд шубҳа остига олинмоқда (“ревизионист” мамлакатлар томонидан). Бундай фрагментация жараёнлари, яъни янги глобал бошқарув тизимини шакллантиришга минтақавий институтлар кўпроқ таъсир ўтказаётганлигини намоён қилмоқда.⁵

Ушбу тенденцияларни, яъни халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ҳозирги замон халқаро муносабатлар трансформацияси ҳамда янги дунё тартиботини шакллантиришдаги аҳамиятини “кўптомонламалик” ва “минтақавийлик” назариялари ёрдамида қиёсий ўрганиш мумкин. *Кўп томонлилик (мультилатерализм) концепциялари* айниқса Ғарб назария мактаблари орасида кенг тарқалган. Унинг концептуал асослари

⁴ Т.Бордачёв. Конец международных институтов. 22.10.2020. <https://globalaffairs.ru/articles/konec-institutov/>

⁵Mario Telò, 2020. "Regionalism and Global Governance: The Alternative between Power Politics and New Multilateralism," Annals of the Fondazione Luigi Einaudi. // An Interdisciplinary Journal of Economics, History and Political Science, Fondazione Luigi Einaudi, Torino (Italy), vol. 54(2) December 2020, p. 5-34.

функционализм (Дж.Капоразо), неофункционализм (Р.Кохэн, Дж.Най) ва конструктивизм (Дж.Рагги) вакиллари томонидан ишлаб чиқилган.⁶ Ушбу концепция Дж.Раггининг “Multilateralism: the Anatomy of an Institution” деб номаанган мақоласида илмий жиҳатдан тизимлаштирилган. У кўп томонламаликни “давлатларни умумий нормаларга боғлаш учун мажбурловчи тамойиллар йигиндиси” деб таърифлайди.⁷ Германиянинг «Фан ва сиёsat» ақл маркази эксперти Х.Мауль фикрича, кўп томонламалик – бу “давлатларнинг ўзлари аъзо бўлган халқаро ташкилотларнинг тамойиллари, меъёрлари, қоидалари ва процедураларига асосланган ҳамкорлигидир”. Немис олимни айнан халқаро/минтақавий ташкилотларни кўп томонлама дипломатиянинг энг муҳим институти сифатида талқин қиласди. Бундай ёндошув “тамойилларга асосланган кўп томонламалик” деб ҳам таърифланади.⁸

Шу билан бирга, кейинги пайтда бошқа бир гурӯҳ ғарблик олимлар “тамойилларга асосланган кўп томонламалик” концепцияси йирик давлатларнинг, хусусан, АҚШнинг кўп томонлама институтларга, биринчи навбатда, БМТга беписанд муносабати туфайли ўз аҳамиятини йўқотиб бораётганлигини кўрсатишади. Хусусан, германиялик профессор Ю.Рюланд фикрича, бу жаҳон сиёsatида юз берган қуйидаги тенденциялар билан боғлиқ. *Биринчидан*, АҚШнинг собиқ президенти кичик Дж.Буш администрациясининг халқаро ҳуқуққа зид ҳолда БМТнинг рухсатисиз халқаро ҳарбий операцияларни уюштириши, Халқаро жиноят суди Низомини имзолашдан бош тортиши, глобал иқлим ўзгаришига қарши

⁶Е.А.Достанко. Влияние мультилатерализма на деятельность международных организаций: теоретические основания и практическое измерение // Научные труды Республиканского Института Высшей школы. №16, 2017. С.54-60.

⁷John Gerard Ruggie. Multilateralism: the Anatomy of an Institution. // International Organization, Vol. 46, No. 3 (Summer, 1992), pp. 561-598.

⁸Hanns W. Maull (Hg.) Auflösung oder Ablösung? Die internationale Ordnung im Umbruch. SWP-Studie. S 21 Dezember 2017 Berlin. https://www.swp-berlin.org/fileadmin/contents/products/studien/2017S21_mul_hg.pdf

курашни тартибга солувчи Киото протоколидан, Баллистик ракеталарга қарши Шартномадан чиқиши, кейинчалик бу сиёсатнинг президент Д.Трамп даврида янада авж олиши. *Иккинчидан*, либерал-космосиёсий меъёрларга таянувчи дунё тартибидан норози бўлган “ревизионист” мамлакатлар – БРИКС (Бразилия, Россия, Хиндистон, Хитой, Жанубий Африка Республикаси) аъзоларининг кучайиши. Улар Гарбнинг либерал тартиботини, БМТ ва Бреттон-Вудс институтларини АҚШ хукмронлигидаги якка қутбли тартибот учун хизмат қилишини рўкач қилиб, тартиботни муқобил меъёрлар ва “ўйин қоидалари” билан ўзgartаришига ҳаракат қилишмоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгашини, ЖСТни ислоҳ қилиш атрофидаги баҳслар, 2008 йилда “G-20” форматининг тузилиши ҳам шулар жумласидан. Булар ўз-ўзидан “тамойилларга асосланган кўп томонламалик” таназзулини англатади ва унинг ўрнини “сусайтирилган кўп томонламалик” концепцияси эгалламоқда. БМТ Хавфсизлик Кенгashi ролининг кескин пасайиши, ҳамфир давлатлар ўртасида “стратегик шериклик”ларнинг кучайиши, савдо пактлари, халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама форумларнинг асосан “фикр алмашиш” майдончасига айланиши – ушбу концепциянинг амалда намоён бўлиш шакллариdir.⁹

Илмий адабиётларда бу концепция моҳиятига яқин бўлган “юмшоқ мувозанатлаштириш” (soft balancing), “чеклаш” (hedging), “институционалистик реализм” (institutionalist realism) , “ҳамкорликка мойил гегемонизм” (cooperative hegemony) каби назариялар ҳам учрайди. Умуман олганда, мультелатерализм концепцияси универсал халқаро ташкилотлар аҳамиятининг сусайиб бораётганлигини тан олади.¹⁰

⁹Juergen Rueland. “Principled Multilateralism” versus “Diminished Multilateralism;” Some General Reflections. Multilateralism in a Changing World Order. p. 1-12. Editors: Christian Echle, Patrick Rueppel, Megha Sarmah, Yeo Lay Hwee. Konrad-Adenauer-Stiftung 2018.

¹⁰Juergen Rueland, Ўша жойда.

Бундан фарқли ўлароқ, *минтақавийлик* (*regionalism*) концепциялари доирасидаги тадқиқотларда минтақавий ташкилотлар ва минтақавий (минтақалараро) ҳамкорликнинг бошқа институционал шакллари аҳамиятининг тобора ортиб бораётганлиги қайд этилади. Бу борадаги асосий назарияларни кўриб чиқишдан олдин ва “чалкашликлар”нинг олидини олиш мақсадида “минтақавийлик”, “минтақавий интеграция” “минтақавий ташкилот”, “минтақавий ҳамкорлик институтлари” каби тушунчаларга¹¹ қисқача таъриф бериб ўтиш лозим. Зеро, мавзуга доир адабиётларда ушбу тушунчалар умумий ёки ўхшаш атамалар сифатида кўп қўлланилади. Охирги пайтда хорижлик тадқиқотчилар уларга қисқача қуидагича таърифларни беришади: “минтақавийлик” – бу муайян минтақадаги мамлакатлар ўртасидаги умумийликнинг мавжудлиги ва уни кучайтиришга бўлган ишонч¹² ёхуд ҳамкорлик йўлидаги сиёсий ҳатти-ҳаракатлар¹³; “минтақавий интеграция” - қўшни мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш концепцияси”; “минтақавий ташкилотлар” ва “минтақавий ҳамкорлик тўғрисидаги тегишли келишувлар” - интеграциялашувнинг маҳсули;¹⁴ “минтақавий ҳамкорлик институтлари” - минтақа даражасидаги ҳамкорликни ўрнатиш ва кучайтиришни мақсад қилган расмий (халқаро шартнома орқали тузилган ва ишчи органларига эга) ва норасмий (форум, конференция, ташаббус ва платформалар) тузилмалар, дейиш мумкин. Бизнингча, “минтақавийлик” - бу ғоявий асос бўлса, минтақавий ташкилотлар ва институтлар – уни ҳаётга тадбиқ этиш механизмлари. Шу асосда минтақавий ташкилотларнинг замонавий халқаро

¹¹ Бу тушунчаларга илмий адабиётларда, ҳар бир назарий мактаб ёндашуви ва услубидан келиб чиқиб жуда кўплаб, ҳатто мунозарали, таърифлар берилади.

¹² Michael Wesley. Mediating the global order: the past and future of Asia Pacific regional organizations. // Asia-Pacific Security: Policy Challenges. Edited by: David W. Lovell . Published by ISEAS Publishing 2003 <https://doi.org/10.1355/9789812307088>

¹³ Louise Fawcett. Exploring Regional Domains: // A Comparative History of Regionalism. June 2004. International Affairs 80(3):p.433.

¹⁴ Hosli, M. O., & Selleslaghs, J. (Eds.). (2020). The Changing Global Order. // United Nations University Series on Regionalism. 2020. p.147

муносабатлар трансформацияси тизимидағи ўрнини қўпроқ минтақавийлик назарияси ёрдамида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз.¹⁵

Аслида минтақавий ташкилотлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатларнинг ривожланиши таъсирида дастлаб Ғарбий Европада юзага келган феномен. Ўтган асрнинг ўрталарида ушбу қитъа мамлакатлари сиёсий-ҳарбий блокларга асосланмаган минтақавий бирлашма тузишга уринишиб, бундан асосий мақсад, энг аввало, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, эскидан мерос бўлиб ўтган ўзаро қўркув ва зиддиятларни батараф қилиш бўлган.¹⁶ Шу даврда оммавий бўлган минтақавийликнинг федерализм (А.Спинелли), функционализм (Д.Миттрани), неофукционализм (Э.Хаас, Ф.Шмиттер, А.Этциони), трансакционализм (К.Дойчнинг “хавфсизлик ҳамжамияти”) каби назариялар ишлаб чиқилиб, улар асосан европацентристик моҳият касб этган. Ҳозирги пайтда “эски минтақавийлик” деб аталувчи ушбу назариялар минтақавий ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини, энг аввало, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти мисолида ўрганишган, бошқа минтақаларга нисбатан қўлланилмаган.¹⁷

Халқаро ташкилотлар бўйича етук мутахассислардан бири италиялик олим М.Телонинг бу борадаги фикрича, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда минтақавийлик АҚШ гегемонлиги остида шаклланган ва унинг сиёсий (собиқ СССРни ушлаб туриш) ва иқтисодий (трансатлантик хўжалик алоқалари комплексини шакллаштириш, бозор иқтисодиёти ва эркин савдони ёйиш) манфаатларига хизмат қилган. Европадаги иқтисодий иттифоқнинг муваффақияти шундаки, у АҚШ “ғамхўрлигида” ва унинг

¹⁵ Минтақавийлик назариясида минтақавий ҳамкорликнинг барча турлари, шу жумладан, минтақавий ташкилотлар ҳам жараён, феномен сифатида ўрганилади.

¹⁶ К.А.Ефремова. От регионализма к трансрегионализму: теоретическое осмысление новой реальности. // Сравнительная политика и geopolитика. 2017, Т.8, №2, сс.58-70

¹⁷ Ю.А.Никитина. От интеграции к регионализму: эволюция теорий регионального межгосударственного сотрудничества // Вестник МГИМО-Университета. 2010; (6(15)):134-140.

қадриятларини тарғиб қилиш ва барқарор валюта тизими шароитида юз берди. Европадан ташқари минтақаларда бундай муваффақиятнинг тақрорланмаслиги сабаби эса – бу даврда минтақавий ташкилотлар мустақил субъект сифатида фаолият кўрсатолмаган, чунки улар АҚШ ёхуд СССР таъсири доирасига тушиб қолаверган.¹⁸ Демак, глобализация жараёнларига қарамасдан, икки қутбли халқаро муносабатлар шароитида минтақавий ташкилотлар, АҚШ ва СССРнинг рақобати туфайли мос равища ривожлана олишмаган. Бу фикрни регионализм муммомлари бўйича таниқли ҳиндистонлик эксперт К.Гупта ҳам тасдиқлаб, “эски минтақавийлик”ни құдратли давлатларнинг таъсири туфайли асосан ҳукumatлар томонидан, кўпроқ минтақа ичидағи жараёнларга, хавфсизлик ёки иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги чекланган масалаларга қаратилгандыгини ва протекционистик моҳиятидаги жараён бўлганлигини кўрсатади. Регионализм бу даврда серқиррали бўлмаган.¹⁹

“Совуқ уруш”нинг тугаши минтақалар даражасидаги ҳамкорликка бўлган интилишни ва минтақавий ташкилотларнинг кўпайишига жиддий туртки бўлди.

Европада интеграциявий жараёнларнинг муваффақиятлари, АҚШнинг бошқа минтақалардаги жараёнларга аралашуvinинг

пасайиши, қутблардан бири бўлган собиқ СССРнинг парчаланиши, янги минтақавий ва глобал кучларнинг юзага келишини (масалан, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, ЖАР, Туркия) минтақавий ҳамкорликнинг кучайтиришга бўлган интилишларни белгилаб берган омиллар сифатида келтириш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, яқин даврга қадар айrim ғарблик мутахассислар Европадан ташқаридағи минтақавий ҳамкорлик лойиҳалари ва ташкилотларни ЕИ билан қиёслаган ҳолда, уларни

¹⁸ М.Тело. Регионализм и будущее глобального управления. // Международные процессы. Том 15, №3, сс.113-119.

¹⁹ Kanika Gupta. Globalization and the Theory of New Regionalism: A Post Cold-War Theoretical Perspective on Regional Organizations. // The International Journal of Humanities & Social Studies. Vol 2 Issue 7 July, 2014 p.236-242

“муваффақиятсиз” деб баҳолашган. Янги турдаги минтақавий ташкилотлар ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари таъсирда ривожланганлигини инобатга олишмаган. Бу эса, ўз навбатида, Ғарбдан ташқарида юзага келган минтақавий ҳамкорлик тузилмаларини эски назариялар доирасида ишлаб чиқилган услублар билан ўрганиш мақбул эмаслиги ва шу сабаб янги назарияларнинг вужудга келишини тақозо этди.²⁰

Назарий жиҳатдан бу муаммо илк маротаба 1980-йилларда швециялик олимлар Б.Хеттне ва Ф.Сёдербаум томонидан батафсил ўрганилган бўлиб, айнан улар “янги минтақавийлик” концепциясининг асосчилари ҳисобланишади. Кейинчалик, ушбу назарияни Л.Фосет, М.Тело, М.Шульц, И.Ожен达尔ъ каби олимлар бойитишган. Бугунги кун илмий адабиётларида янги минтақавийликнинг турли назарияларини учратиш мумкин: “қиёсий минтақавийлик”, “минтақалар дунёси”, “Осиё минтақавийлиги”,²¹ “қаттиқ минтақавийлик”, “юмшоқ минтақавийлик”²² ва бошқалар.

Янги минтақавийликнинг юзага келишини биполяр тизимнинг таназзулидан кейин янги мустақил давлатлар сиёсий ноаниқлик ва барқарорликка гирдобига кириб қолишиди ва бу уларни минтақалар доирасида ҳамкорликни кучайтиришга унданган. Шунингдек, глобаллашув натижасида юзага келган иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг турли оқибатларини мутаносиблаштириш кўплаб мамлакатларнинг минтақавий ҳамкорлик схемаларига мурожаат қилишини тақозо этган эди.²³ Янги минтақавийлик назариячилари унинг “эскиси”дан қуидагилар билан фарқ қилишини кўрсатишади: 1) янги минтақавийлик қарийб кўплаб

²⁰Михайленко, Е. Б. «Старый» и «новый» регионализм: теоретический дискурс : курс лекций : [учеб. пособие] / Е. Б. Михайленко; [науч. ред. М. М. Лебедева]; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. Федерал. ун-т. — Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2014. - 116 с.

²¹ М.Л.Лагутина, Е.Б.Михайлов. Регионализм в глобальную эпоху: обзор зарубежных и российских подходов. // Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. 2020, Т.20, №2, Сс.261-278

²² Louise Fawcett. Exploring Regional Domains: A Comparative History of Regionalism. June 2004. // International Affairs 80(3):p.433.

²³ Илмий адабиётларда минтақавий келишувлар сони “Совук уруш” якуни ва 2000 йил орасида беш маротаба ортганлиги қайд этилади. Caporaso 2002;

минтақаларга доир, яъни умумжаҳон феномен, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда; 2) у европацентрик эмас; 3) эски минтақавийликдагидек тор, фақат ҳимоявий ёки иқтисодий мақсадларни кўзда тутмайди, балки кенг мақсадларга йўналтирилган (сиёсий, маданий ва ижтимоий жиҳатларни ҳам қамраб оладиган ҳамкорлик); 4) интеграциялашув жараёни, ҳам “қуийдан” (фуқаролик жамияти ва хусусий сектор томонидан), ҳам “юқоридан” (яъни ҳукуматлар томонидан) рағбатлантирилиши мумкин.²⁴

**Янги минтақавийлик концепциялари
хилма-хил ва ҳатто бир-бирига зид
жиҳатларга ҳам эга**

Улардаги энг асосий мунозарали, замонавий халқаро муносабатлар

трансформацияси учун муҳим бўлган иккита масалани қўрсатиш мумкин. *Биринчиси*, глобаллашув ва минтақалашув жараёнларининг ўзаро боғлиқлик ёки зидлик муаммоси. Дастребаки назариётчилар, “глобаллашув ва минтақавийлашув ўзаро яқин жараёнлар ҳамда турли шартлар таъсирида минтақавийлашувнинг бир-биридан фарқ қилувчи моделларининг шаклланишини белгилаб беради, деб ҳисоблашган.²⁵ Лекин, бу борадаги охирги тадқиқотларда глобаллашув ва минтақавийлашув бир-биридан мустақил жараёнлар, аксинча айнан минтақавийлашув кейинги даврда глобаллашув хусусиятларига кўпроқ таъсир кўрсатмоқда, дейилади.²⁶ Бундай мунозара ўз-ўзидан иккинчи – минтақавий ташкилотлар ва минтақавий ҳамкорлининг бошқа платформаларининг дунё тартиботига таъсири билан боғлиқ масалани келтириб чиқади. Айрим олимлар минтақавийликни глобаллашувга зид бўлган ва шу сабаб глобал бошқарув²⁷

²⁴ Hosli, M. O., & Selleslaghs, J. (Eds.). (2020). The Changing Global Order. // United Nations University Series on Regionalism. 2020. p.150

²⁵Theories of New Regionalism. A Palgrave Reader. Edited by Fredrik Söderbaum and Tim Shaw. 2003.

²⁶Kanika Gupta. Globalization and the Theory of New Regionalism: A Post Cold-War Theoretical Perspective on Regional Organizations. // The International Journal Of Humanities & Social Studies. Vol 2 Issue 7 July, 2014 p.236-242

²⁷ “Глобал бошқарув” тушунчаси, глобаллашув натижасида халқаро муносабатларда нафақат суворен давлатлар, балки ноҳукумат ташкилотлар, трансмиллий компаниялар ва бошқа янги турдаги акторларнинг иштироқини назарда тутади.

учун халақит берувчи салбий феномен, деб билади. Уларнинг ёндошуви асосида “янги турдаги минтақавий ташкилотлар Ғарб томонидан ўрнатилган дунё тартиботини шубҳа остига қўйишади ва шу сабаб замонавий халқаро муносабатлар тизимиға путур етказиши мумкин”²⁸, деган гоя ётади (шу каби қарашлар айниқса 1990-йилларда кучли бўлган). Бунга мисоллар тариқасида Саудия Арабситони етакчилигидаги Форс кўрфази Кенгаши, Венесуэла ва Куба томонидан тузилган ALBA (“Бизнинг Америкамиз халқи учун боливариан альянс”), SADC (Жанубий Африка тараққиёт Ҳамжамияти) ва ШХТ каби минтақавий ташкилотлар кўрсатилади. Минтақавийликнинг бу шаклини “авторитар минтақавийлик” деб таърифлашлар ҳам учрайди.²⁹

“Янги минтақавийлик” концепциясининг бошқа назариётчилари минтақавий ташкилотлар ва ташаббусларнинг муайян минтақаларни барқарорлаштириш ва иқтисодий салоҳиятини ошириш орқали халқаро муносабатларнинг барқарорлашувига ҳисса қўшишини таъкидлашади. Шундан келиб чиқиб, кейинги пайтларда минтақавий ташкилотларни “ўз қадриятлари ва нормаларига эга ва шу асосда бошқа интститутлар билан, шу жумладан, глобал бошқарув доирасида ҳам алоқа қиласиган халқаро муносабатларнинг мустақил субъектлари” деб баҳолашлар, масалан, конструктивизм ва неомарксизм назария мактабларида кўплаб учрайди.³⁰

Минтақавий ташкилотларнинг замонавий халқаро муносабатлар тизимидағи ўрнини тадқиқ қилишда М. Тело томонидан ишлаб чиқилган назария алоҳида қизиқиш уйғотади. Олим минтақавийликув доимий ўзгариш ҳолатидаги глобал бошқарув ва дунё тартиботининг тузилмавий

²⁸Bhagwati, J. Regionalism versus Multilateralism. // The World Economy. 1992. 15(5)/ pp.

²⁹Maria J. Debre. The dark side of regionalism: how regional organizations help authoritarian regimes to boost survival. // Democratization . Volume 28, 2021 - Issue 2. P. 394-413 |; Alexander Libman, Anastassia V. Obydenkova. Understanding Authoritarian Regionalism. // Journal of Democracy. № 4 (2018). P. 151–65.

³⁰Л.Лагутина, Е.Б.Михайлов. Регионализм в глобальную эпоху: обзор зарубежных и российских подходов. // Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. 2020, Т.20, №2, Сс.261-278

қисми деб билади. Шундай экан, ҳозирги шароитда минтақавий ташкилотлар фақатгина савдо ва иқтисодий фаолият билан чекланиб қолмасдан, рақобат ва ҳамкорлик орқали кўп қутблилика асосланган янги дунё тартиботини шакллантиришда иштирок этмоқда. Унинг фикрича, келгусида ҳалқаро муносабатлар иккита сценарий бўйича ривожланиши мумкин: зиддиятли кўп қутблилик ёки иққи қутблилик (АҚШ-Хитой), бошқача айтганда - кўп сонли иштирокчилардан иборат кўп томонлама ҳамкорликка асосланган тизим. Ҳалқаро муносабатларнинг инклузив бўлиши учун дунё тартиботи иккинчи сценарий бўйича ривожлангани афзал. Унда минтақавий ташкилотлар глобал бошқарувнинг янги тизимини шакллантиришда ҳал қилувчи омилга айланади. Бу ерда нафақат муайян минтақалар даражасидаги ҳамкорлик, балки турли минтақавий платформалар ўртасидаги (минтақалараро поғона) ҳамкорлик форматларининг ҳам аҳамияти мухим.³¹ Ушбу тенденцияни Европа Иттифоки – АСЕАН, “АСЕАН плюс”, Осиё-Тинч океани шериклиги (АТР), “БРИКС+” ва бошқа минтақалараро мулоқот форматларининг ортиб бораётганлигига кўриш мумкин.

Регионализм соҳасидаги янги назариялар орасида МДҲ давлатлари, хусусан, россиялик олимлар орасида учрайдиган “евроосиё/постсовет минтақавийлиги” концепциясини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Унинг доирасида ШХТ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) каби тузилмаларни ўрганишга ҳаракатлар мавжуд.³² Айтиш мумкинки, ушбу назария мактаби ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган. Дастрлаб “Евроосиё минтақавийлиги” асосан

³¹Alexander Libman, Anastassia V. Obydenkova. Understanding Authoritarian Regionalism. // Journal of Democracy. № 4 (2018). Р. 151–65

³²О.А. Романов. Евразийская регионализация в контексте глобальных трансформаций миропорядка: историческое значение и сущность. Вестник Томского государственного университета. История. 2017. № 50, С.76-83; Н.А.Васильева, М.Л.Лагутина. Формирование евразийского союза в контексте глобальной регионализации // Евразийская экономическая интеграция. № 3 (16) 2013. С.19-29.

Россиянинг сабиқ СССР худудидаги хукмронлигини янги интеграцияйвий лойиҳалар ёрдамида қайта тиклашни назарда тутган бўлса, охирги пайтда бу “Катта Евроосиё” концепцияси шаклида илгари сурилмоқда. Масалан, россиялик мутахассислар Н.Васильева ва М.Лагутина “янги минтақавийлик” соҳасидаги бошқа назарияларнинг услубларидан фойдаланган ҳолда “Янги Евроосиё минтақавийлиги”ни ривожлантиришни таклиф қилади. Евроосиёни “глобал аҳамиятдаги минтақа” сифатида талқин этиб, бу ердаги интеграция жараёнларига давлатлар билан бирга бизнес тузилмалар ва фуқаролик институтларини ҳам жалб қилиш заруратини кўрсатади.³³ Лекин, Россияда тобора оммавийлашиб бораётган бу концепция ғарблик олимлар томонидан танқидий, “авторитар минтақавийлик”нинг бир тури сифатида баҳоланиб, Россиянинг геосиёсий манфаатларини ифода этувчи ва унинг сабиқ СССР худудидаги гегемонлигини қайта тиклашга қаратилган, дейилади.³⁴

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халқаро муносабатларда минтақавий ташкилотлар аҳамиятининг ортиб бориши “Совуқ уруш”нинг тугаши билан бевосита боғлиқ. Бугун улар янги дунё тартиботини тузишда фаол иштирок этишмоқда. Турли назарий мактаблар ўртасидаги мавжуд баҳс-мунозаралардан қатъий назар кейинги даврда минтақавий ташкилотлар замонавий халқаро муносабатлар трансформациясининг муҳим омили сифатида гавдаланмоқда. Мазкур тузилмаларнинг бундай моҳияти қуидагиларда ўз ифодасини топади: *биринчидан*, минтақавий ташкилотлар глобал иқтисодиёт ва сиёsat кун тартибини белгилашда ва уни ҳаётга тадбиқ этишда бевосита иштирок этмоқда; *иккинчидан*, минтақавий ташкилотлар, айниқса, янги турдаги минтақавий институтлар (масалан, АСЕАН, ШХТ, БРИКС) янги дунё тартиботини шакллантиришда фаол

³³ Н.А.Васильева, М.Л.Лагутина. Ўша жойда.

³⁴ Krapohl, S., Vasileva-Dienes, A. The region that isn't: China, Russia and the failure of regional integration in Central Asia. // Asia Europe Journal 18, 2020. p. 347–366.

иштирок этиб, халқаро муносабатларда қўп қутблиликка асосланган тизимнинг шакланишига ҳисса қўшишмоқда; учинчидан, муайян минтақа доирасида сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш ва таҳдидларга қарши самарали курашиш орқали улар глобал барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

ШХТ янги турдаги минтақавий ташкилот сифатида: илмий-назарий таҳлил

ШХТнинг юзага келиши собиқ СССР парчаланиши оқибатида дунё, Марказий Осиё ва унинг атрофидаги

минақаларда юзага келган янги геосиёсий вазият билан боғлиқ.³⁵

Мавзу бўйича тадқиқот олиб борган аксарият мутахассислар, жумладан, хорижлик олимлар ва экспертлар кейинчалик ШХТнинг “туғилишига” туртки сифатида собиқ СССР ва ХХР ўртасида ҳал этилмаган чегара муаммосини тартибга солиш учун тузилган “4+1” формати орқали (яъни РФ, Қирғизистон, Қозогистон, Тожикистон ва Хитой) давом эттирилганлигини таъкидлашади. Қирғизистон, Қозогистон ва Тожикистоннинг РФ билан “тўртлик” шаклида Хитойдек катта қўшни билан музокараларда позициясини кучайтиришни қўп жиҳатдан таъминлаб берди.³⁶ Олиб борилган музокаралар натижасида “4+1” формати сиёсий-дипломатик жиҳатдан иккита муҳим хуқуқий ҳужжат билан мустаҳкамланди: 1996 йил Шанхайдаги (ХХР) ва 1997 йил Москвадада қабул қилинган “Чегара ҳудудида ҳарбий соҳада ишончи мустаҳкамлаш тўғрисида”ги ва “Чегара ҳудудида ҳарбий кучларни ўзаро камайтириш тўғрисида”ги Битимлар. Ушбу иккала ҳужжат “Шанхай бешлиги”га, кейинчалик эса ШХТга замин бўлган.

³⁵ Ходжаев А.Х. Китайский фактор в Центральной Азии. -Т.: 2020. С. 329.

³⁶ Gudrun Wacker. Die «Shanghaier Organisation für Zusammenarbeit» Eurasische Gemeinschaft oder Papiertiger? // SWP-Studie 2001/S 22, August 2001, 41 Seiten

Илмий адабиётларда ШХТ ҳозирги замон халқаро муносабатларида фаол иштирок этаётган янги турдаги минтақавий ташкилотлардан бири сифатида ўрганилади. Бу юқорида ҳам таъқидлаб ўтилди.

ШХТ “табиати”ни тўлиқ тушуниш учун яқин даврга қадар халқаро муносабатларни талқин қилишда “универсал” деб умум эътироф этиб келинган реализм, либерализм, функционализм ва ҳатто конструктивизм назариялари билан чекланиб бўлмайди. ШХТни тўлалигича ушбу классик назариялар доирасида ўрганиш қийинчиликларга ва ҳатто тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Буни ғарблик олимлар ҳам эътироф этишади. “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти умумийлик ёки умумий мақсад негизида юзага келмаган. Бошқа халқаро ташкилотларда аввал институтлар шаклланиб, улар кейин мазмун билан тўлдирилган. ШХТ эса аввал тор масалалар юзасидан келишувга эришиш ва шу асосда кун

Биз ШХТни “янги минтақавийлик” (new regionalism) назарияси доирасида ўрганишиз мақсадга мувофиқ.

тартибини кенгайтириб бориш йўлидан борган”.³⁷ Худди

шундай ШХТни НАТОга қарши “хавфсизлик ташкилоти” деб таснифлашнинг асоссизлигига доир, уни бошқа минтақавий ташкилотларга ўхшамайдиган “топишмок” тузилма, деб таърифлашлар ҳам учраб туради. Шу боис ғарблик олимлар, таҳлилчилар ШХТ ўзи қандай ташкилот, унинг вазифалари нима ва умуман қандай амал қиласи, деган саволларга жавоб топишида қийналишади.³⁸

Сабаби – ушбу ташкилот умуман янги геосиёсий, иқтисодий ва цивилизациявий шарт-шароитлар таъсирида қарор топган ва фаолият юритмоқда. Масалан, географик нуқтаи назардан оладиган бўлсак, ШХТ

³⁷ Allison, R., Jonson L. (editor) Central Asian Security: The New International Context. // Royal Institute of International Affairs, Brookings Institution Press, Washington. 2001.

³⁸ Hosli, M. O., & Selleslaghs, J. (Eds.). (2020). The Changing Global Order. // United Nations University Series on Regionalism. 2020. p.180.

макони, Марказий Осиёning катта қисми (Туркманистон бундан мустасно), Россия, ХХР, 2017 йилдан эътиборан эса Ҳиндистон ва Покистонни ҳам қамраб олади. Лекин амалда эса унинг фаолияти асосан Марказий Осиё минтақасига қаратилган. Иккинчидан, ШХТ – том маънода хавфсизлик ёхуд иқтисодий интеграция ташкилоти ҳам эмас.³⁹ Шу икки омилнинг ўзиёқ ШХТнинг тубдан “янги турдаги минтақавий ташкилот” эканлигини кўрсатиб турибди. Албатта, ҳиндистонлик олима К.Гупта кўрсатиб ўтганидек, ШХТда “эски минтақавийлик” элементлари (хавфсизлик масалаларининг устуворлиги, интеграция жараёнларининг асосан давлатлар томонидан амалга оширилиши, нодавлат субъектларининг, оммавий ахборот воситалар, жамоатчилик фикри таъсирининг пастлиги, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишончлиликнинг сустлиги) ҳам мавжуд. Шу билан бирга, олима ШХТ ҳануз ёш, эволюция йўлида давом этаётган ташкилот эканлигига ва бошқа кўрсаткичларга асосланиб, уни “янги минтақавийлик” моделига мос келувчи тузилма эканлигини асослаб беради.⁴⁰

Шу билан бирга, биз ШХТни ўрганиш учун бошқа назариялар (“хавфсизлик ҳамжамияти/худуди, “ялпи минтақавий хавфсизлик”, “хамкорликка таянувчи хавфсизлик”, “минтақавий ўзлик” ва б.) умуман тўғри келмайди, деган фикрдан йироқмиз. Уларнинг илмий аҳамиятини инкор қиласдан, “янги минтақавийлик” концепцияси ШХТнинг янги дунё тартиботини шакллантиришдаги иштироқи билан боғлиқ жихатларни батафсилроқ очиб бериш имконини беради, зеро, бу назария минтақавий ташкилотларни тор доирада (масалан, “хавфсизлик ташкилоти” ёхуд

³⁹Р.Нуримбетов, И.Комилов. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: янги ҳалқаро муносабатлар модели сифатида // Шарқ мамлакатларидағи ҳалқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси мавзусидаги Республика миқёсида анъянавий илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т – 2021. 12-17 бб.

⁴⁰Kanika Gupta. Global Politics And Theories Of Regional Organisations: Studying The Shanghai Cooperation Organisation from the new regionalism perspective World Affairs: // The Journal of International Issues. Vol. 20, No. 3 (Autumn (July-September) 2016), p.28

“иқтисодий интеграция бирлашмаси” сифатида) эмас, балки комплекс ўрганади.

ШХТнинг “янги турдаги минтақавий ташкилот” сифатидаги ўзига хос хусусиятларини очиб бериш учун унинг ғоявий асоси - “Шанхай руҳи”нинг моҳиятини ва унинг ташкилот амалий фаолиятидаги ўрнини кенгроқ кўриб чиқиш лозим. Бу масала, хусусан, хитойлик олимлар Пан Гуань, Ю.Бинь, Янь Цэнь, Ли Лифань тадқиқотларида анча кенг ёритиб берилган. Ушбу параграфда уларнинг фикрлари қиёсий ўрганилди.⁴¹ ШХТ Хартиясига мувофиқ, “Шанхай руҳи” асосида “ўзаро ишонч”, “ўзаро манфаат”, “тengлик”, “ўзаро маслаҳатлашув”, “маданиятлар хилмажиллигига нисбатан ҳурмат”, “биргаликда ривожланишга интилиш” тамойиллари ётади.⁴² Бундан ташқари, ҳужжатда ташкилот фаолиятининг хусусиятларини белгилаб берган яна иккита муҳим асос мавжуд: 1) ШХТнинг бошқа давлатларга ва халқаро ташкилотларга қарши қаратилмаганлиги ва 2) қарорларни консенсус асосида қабул қилиш.

Мазкур тамойиллар ва уларнинг амалиётга (энг аввало Марказий Осиё минтақасида) тадбиқ этилаётганига асосланиб, ШХТнинг “янги минтақавийлик” намунаси сифатида, энг аввало, минтақавий ва қисман халқаро жараёнларга таъсирини кўриш мумкин.

Биринчидан, “Тенглик” тушунчасидан ташқари “Шанхай руҳи”нинг қолган тамойиллари БМТ, ЕХХТ каби универсал ташкилотлар ва бошқа минтақавий тузилмаларнинг таъсис ва стратегик ҳужжатларида учрамайди. Масалага чукурроқ ёшдошсак, бу тамойилларда ШХТнинг таъсисчи мамлакатлари халқаро муносабатларда Ғарб томонидан жорий этилган дунё тартиботидан фарқ қилувчи “минтақавий тартиботнинг”

⁴¹Қаранг: The Shanghai Cooperation Organization and Eurasian Geopolitics. New Directions, Perspectives, and Challenges. Edited by Michael Fredholm. // NIAS Press. 2012, 304 pages.

⁴² Ушбу тамойиллар, ўз навбатида, XXР ҳукуматининг “тинч юксалиш” тараққиёт концепциясидаги ташқи сиёсий тамойилларга таянади. Бу мавзу кейинги параграфда батафсилроқ кўриб чиқилади.

қонцептуал асослари мавжудлиги аён бўлади. **Иккинчидан**, “ўзаро ишонч” ва “ўзаро маслаҳатлашувлар” тамойиллари тузилманинг “Шанхай бешлиги”дан тўлақонли ташкилотга айланишини белгилаб берди. “Ўзаро маслаҳатлашувлар” ва “тengлик” тамойиллари ёрдамида Марказий Осиё мамлакатлари Россия ва Хитой билан, умуман олганда, тенг ва ўзаро манфаатли келишувларга эриша олди. Келгусида жиддий худудий баҳслар ва зиддиятларга олиб келиши мумкин бўлган Марказий Осиё мамлакатлари ва XXР ўртасида чегаралар масаласининг “Шанхай бешлиги” доирасида узил-кесил ҳал этилиши - минтақада стратегик барқарорликни таъминлабгина қолмай, кўп томонлама ҳамкорлик учун қулай замин ҳам яратиб берди.

Учинчидан, “Шанхай руҳи”нинг тамойиллари – XX аср охиридан эътиборан давом этаётган халқаро муносабатлар трансформациясини ўзида ифода этади. Бу, энг аввало, дастлаб глобал сиёsatда, кейинчалик иқтисодий соҳада XXР позицияларининг кучайиб бориши ва унинг якка қутбли дунёвий тартиботга нисбатан муқобил, янги турдаги халқаро муносабатлар тизимини жорий этишга бўлган интилиш ифодаси, дейиш мумкин.⁴³ Якка қутблиликни емириш, ташкилотнинг яъна бир йирик аъзоси - Россия ташқи сиёsatининг энг асосий мақсадларидан бири. Бу иккала давлат учун ШХТ кўп қутблиликка асосланган янги дунё тартибини шакллантиришнинг энг муҳим воситалари қаторида эканлиги шубҳасизdir.

Тўртинчидан, геосиёсий нуқтаи назардан ёндошилганда “Шанхай руҳи”нинг ШХТ орқали Марказий Осиёда ўз ифодасини топиши – ушбу минтақанинг халқаро муносабатлардаги аҳамиятининг ошишига хизмат қилаётганини кўриш мумкин. Масалан, Чор империяси ва кейинчалик Совет Иттифоқи даврида Марказий Осиё жаҳон сиёsatининг чеккасида эди,

⁴³ Dong Wang & Weizhan Meng. China debating the regional order. // The Pacific Review Volume 33, 2020 - Issue 3-4. Pages 497-519

минтақа мамлакатлари мустақиллигининг илк даврида эса Россия томонидан уларга “яқин хориж” деб қаралган⁴⁴. ШХТ уларнинг РФ таъсири доирасидан бутунлай узоқлашмаса-да, анча йироқлашишга ёрдам берди. Натижада Марказий Осиё давлатлари бугун халқаро ҳамжамият томонидан “постсовет республикалари” эмас, балки Евроосиёдаги жараёнларнинг иштирокчилари сифатида қабул қилинмоқда.⁴⁵ Қолаверса, Марказий Осиё мамлакатлари кўпчилик кузатувчилар томонидан ШХТ доирасида “кичик шериклар” деб баҳоланишига қарамасдан, ҳуқуқий жиҳатдан тенг мақомга эга, ШХТ уларнинг халқаро тизимга интеграциялашувига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда.⁴⁶

Бешинчидан, “маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат”, “биргалиқда ривожланишга интилиш” тамойилларининг ҳаётга тадбиқ этилиши – ШХТнинг, муайян камчиликларга қарамасдан, умуман олганда, муваффақиятли ривожланишини белгилаб берди. Бу тамойиллар мусулмон (Марказий Осиё мамлакатлари), насронийлик (Россия) ва конфуцийлик (XXР) цивилизациялари вакилларининг ҳамжиҳатлиқда янги ташкилот тузиши учун хизмат қилган. Кейинчалиқ, бу “цивилизациялар оиласи”га қадимий ҳинд цивилизацияси ҳам қўшилди. Айнан шу жиҳати билан ҳам ШХТ бошқа минтақавий ташкилотлардан фарқ қиласи. Масалан, НАТОга аъзолик учун номзодлар “демократик мамлакат” бўлиши керак. Европа Иттифоқи эса кўпчилик томонидан “христиан давлатлар клуби” деб ҳам таърифланади.⁴⁷ Бунга яққол мисол тариқасида шу кунга қадар унинг таркибига Туркияning қабул қилинмаганлигини келтириш мумкин.

⁴⁴ A.Libman. Regionalization in Central Asia. // EDB Eurasian Integration Yearbook. 2009. https://eabr.org/upload/iblock/6ef/edb_yearbook_2009.pdf

⁴⁵ The Shanghai Cooperation Organization and Eurasian Geopolitics. New Directions, Perspectives, and Challenges. Edited by Michael Fredholm. // NIAS Press. 2012. P.206

⁴⁶ The evolution of the Shanghai Cooperation Organisation // Strategic Comments. Volume 24 Comment 19 July 2018.

⁴⁷ Fredrik Söderbaum. Early, Old, New and Comparative Regionalism: // The Scholarly Development of the Field. No. 64 | October 2015. https://www.polsoz.fu-berlin.de/en/v/transformeurope/publications/working_paper/wp/wp64/WP-64-Soederbaum.pdf

Албатта, бу ерда хавфсизлик соҳасидаги ўхшаш ёндошувлар ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Лекин хавфсизликни таъминлаш мақсадида тузилган бошқа минтақавий тузилмалардан фарқли ўлароқ, ШХТ “ташқи душман”га қарши курашиш негизида шаклланмади. Қолаверса, унинг сиёсий-ҳарбий блокка айланишига халақит берувчи жуда муҳим “ШХТнинг учинчи давлатлар ва кучларга қарши қаратилмаганлиги” тўғрисидаги тамойил Хартияга киритилган. Шу билан бирга, сиёсий ва хавфсизлик соҳасидаги жиддий тафовутларга қарамасдан, ШХТ давлатлари “Шанхай руҳи” атрофида серкиррали ҳамкорликни ўrnата олди. Бизнингча, бу ерда “биргалиқда ривожланишга интилиш” тамойили амалда ўз тасдиғини топган.

Мухтасар қилиб айтганда, сиёсий, иқтисодий ва маданий тафовутларга қарамасдан ШХТ давлатларининг янги ташкилотни тузаболганлиги – халқаро муносабатлардаги жуда муҳим воқеа бўлди. Бу, таъбир жоиз бўлса, “Совуқ уруш”нинг тугаши ва икки қутбли халқаро муносабатлар тизимишининг барҳам топишидан кейин, айниқса, Фарбда кенг тарқалган америкалик таниқли сиёsatшунос С.Хантингтон яратган “цивилизациялар тўқнашуви” концепциясига жиддий зарба бўлди⁴⁸.

Олтинчидан, “Шанхай руҳи” асосида ШХТда вертикал эмас, балки кўпроқ горизонтал “минтақавийлик”ни кўришимиз мумкин. РФ ва XXР ушбу ташкилотга таъсири анча катта бўлганлигидан қатъий назар, улар “хукмрон кучлар” бўлолмади. Марказий Осиёда “геосиёсий плюрализм” сақланиб қолди.⁴⁹ “Шанхай руҳи” ўртамиёна ва кичик давлатларнинг манфаатлари ҳам жиддий эътиборга олинишига хизмат қилиб келаётганини Ўзбекистоннинг ШХТдаги иштирокида ҳам кўриш мумкин. “Шанхай руҳи”

⁴⁸ The Shanghai Cooperation Organization and Eurasian Geopolitics. New Directions, Perspectives, and Challenges. Edited by Michael Fredholm. // NIAS Press. 2012. P.61

⁴⁹ Farkhod Talipov. On the Role of the Central Asian Cooperation Organization within the SCO. // Journal “Central Asia and the Caucasus” №3 (27), 2004. P.146-154

тамойиллари ва “консенсус” асосда қарор қабул қилиш тартибининг жорий қилиниши - Ўзбекистон ва ШХТнинг бошқа ўртамиёна ва кичик аъзолари томонидан ташкилотни ҳарбий блокка (Россия ёндошуви) ёки эркин савдо ҳудудини тузиш орқали том маънодаги иқтисодий интеграция лойиҳасига (Хитой ёндошуви) айлантиришга бўлган интилишларни жиловлаб туришга хизмат қилиб келади. Бу тамойиллар амалда Марказий Осиё мамлакатлари учун мінтақада ХХР ва РФнинг стратегик таъсирини мутаносиблаштириб туриш, уларнинг “рақобат ва ҳамкорлик”ка асосланган алоқаларидан ўз миллий манфаатларини рўёбга чиқаришда самарали фойдаланиш имконини ҳам бериб келмоқда. Умуман олганда, “Шанхай руҳи” ва консенсус тамойиллари ўртамиёна ва кичик мамлакатларнинг ўз миллий манфаатларини илгари суришга, ШХТдаги кучлар мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундай “горизонталлик”ни собиқ СССР ҳудудидаги бошқа тузилмаларда кўриш қийин. Мисол учун, ЕОИИ – “минтақавий гегемонлик” концепциясига мос келувчи ташкилот.⁵⁰ Хусусан, аъзо давлатлардан бири ташкилотдан бир томонлама чиқиб кетиш имкониятлари амалда жуда чекланган.⁵¹

Еттинчидан, муайян камчиликларга қарамасдан, ШХТ кўп томонлама, мінтақалараро ва трансмінтақавий ҳамкорликнинг кенгайишига ҳисса қўшиб келмоқда. Буни учта погонага ажратиш мумкин: 1) ШХТ Марказий Осиёда, айниқса, дасталабки даврда интеграция жараёнларининг ривожланишига катта таъсир ўтказди. 2) ташкилот Евроосиёнинг энг катта ва қудратли давлатлари – Хитой ва Россиянинг

⁵⁰ Ksenia Kirkham. The formation of the Eurasian Economic Union: How successful is the Russian regional hegemony? // Journal of Eurasian Studies. Volume 7, Issue 2, July 2016, Pages 111-128.

⁵¹ 2014 йил 29 майда қабул қилинган Евроосиё иқтисодий Иттифоқи тўғрисидаги Шартноманинг 13-моддасига мувофиқ, аъзо давлатнинг ташкилотдан чиқиши масаласи ўша мамлакатнинг овозини иноабтга олмаган ҳолда “консенсус-1” шаклида амалга оширилади. Яъни, амалда бу ерда Россия ЕОИИнинг бошқа аъзо давлатларига тазъиқ ўтказган ҳолда, муайян мамлакатнинг аъзоликдан чиқишига йўл кўймаслиги мумкин. Россия ташкиси сиёсатида, айниқса ЕОИИ доирасида босим ўтказиши “одатий ҳол” эканлигидан келиб чиқилса, юқоридаги фикрга ойдинлик киритилади. Қаранг: “Договор о Евразийском экономическом союзе” https://docs.eaeunion.org/docs/ru-ru/0003610/itia_05062014

Марказий Осиё ва унинг атрофида кечётган жараёнларга нисбатан, ўзаро тафовутларга қарамасдан, конструктив рақобат ва прагматизмга асосланган ҳамкорликни рўёбга чиқариш (айниқса 2000-2010 йилларда) учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилди. 3) 2017 йили Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга доимий аъзо сифатида қабул қилиниши учинчи поғона – трансминақавий ҳамкорликни амалда бошлаб берди. Эндиликда ШХТ макони Евроосиёнинг йирик субминақаларидан ташкил топган энг катта қисмини ўз ичига олди ва бу худудда ҳамкорликни қўллаб-қувватламоқда.

Бундан ташқари, тузилманинг трансминақавий ҳамкорликни илгари суришдаги аҳамияти ШХТнинг кузатувчи ҳамда мулоқот бўйича шерик давлатлар билан, шунингдек, бошқа минтақавий ташкилотлар билан алоқаларининг кенгайишида намоён бўлмоқда. Хусусан, бугунга келиб ШХТ 4 нафар кузатувчи (Афғонистон, Беларусь, Монголия, Эрон) ва 6 та мулоқот бўйича шериклик мамлакатларига (Арманистон, Камбоджа, Непал, Озарбайжон, Туркия ва Шри-Ланка) эга. Бу мамлакатлар мунтазам равишда ташкилотнинг йирик тадбирларига, шу жумладан, Саммитларга жалб этилади. Шу сингари мулоқотлар давомида икки, кўп томонлама ва трансминақавий ҳамкорликнинг масалалари муҳокама қилинади.

Умуман, ШХТ янги “нормалар”, “ўйин коидалари”ни ҳамда кўп томонлама, минтақавий ва трансминақавий ҳамкорлик форматларини ишлаб чиқмоқда ва уларни озми-кўпми Евроосиёда тадбиқ этмоқда. Буни ғарблик эксперtlар ҳам таъкидлаб, “Шанхай руҳи” ташкилот аъзолари ўртасидаги мутаносиблик ва минтақавий муаммоларни консенсус асосида ҳал этиш билан чекланиб қолмайди, муҳим бу “руҳ” оддийгина “минтақавий нормалар эмас”, балки глобал сиёsat учун асос бўлиши мумкин бўлган универсал тамойиллар сифатида илгари сурилмоқда” деб ёзишади.⁵²

⁵²Thomas Ambrosio. Catching the 'Shanghai Spirit': How the Shanghai Cooperation Organization Promotes Authoritarian Norms in Central Asia. // Europe-Asia Studies. Vol. 60, No. 8 (Oct., 2008), p. 1327.

**Марказий Осиёдаги минтақавий
ҳамкорлик тизимида ШХТ омили**

ШХТнинг пайдо бўлишига айнан Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш вазифалари устувор аҳамият касб этгани маълдум. Ташкилот доирасида қабул қилинган илк ҳуқуқий ҳужжат – ШХТнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (2001 йил 15 июнь) ҳам айнан хавфсизлик соҳасига тааллуқлиги эканлиги унда минтақавий хавфсизлик ва янги турдаги таҳдидларга қарши ҳамжиҳатлиқда курашиш масалалари нечоғлик катта аҳамият касб этганини кўрсатиб турибди. Бу янги ташкилот учун жуда катта муваффақият ҳам эди. Мазкур Конвенцияда илк бор ҳалқаро терроризмга юридик аҳамиятдаги ягона таъриф берилиб, бунга қадар ҳеч бир бошқа ҳалқаро ташкилот, шу жумладан, БМТ томонидан ҳам бундай қадам ташланмаган эди.⁵³

Лекин, ШХТнинг Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликка қўшган ва қўшиб келаётган ҳиссаси ушбу “ноанъанавий” таҳдидларга қарши ҳамжиҳатлиқда қарши курашиш билан чекланиб қолмайди. Аксинча, ташкилотнинг бу борадаги ҳиссасини анча кенг таҳлил қилиш керак.⁵⁴

ШХТ институтларининг, унинг ичидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа қатор омиллар ушбу ташкилотнинг Марказий Осиёдаги барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ва қўшаётган ҳиссасини анча кенг таҳлил қилишни тақозо этади. Шу сабаб, ШХТнинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ўрни эксперталар томонидан турлича баҳоланади. Бир гурух эксперталар уни

⁵³ Р.Алимов. Алимов Р.К. Шанхайская организация сотрудничества: становление, развитие, перспективы. 2017 г. М.: Издательство «Весь Мир». 336 с.

⁵⁴ Рахматулла Нуримбетов. Роль ШОС в современных международных отношениях: взгляд из Узбекистана // Международная жизнь. Апрель 2021. С.52-57.

”Марқазий Осиёда барқарорлик кафолати” сифатида талқин қилишади⁵⁵. Жумладан, ШХТнинг собиқ Бош котиби Р.Алимов “Терроризм, экстремизм ва сепаратизмнинг глобал ўчоқларига бевосита яқин худудда жойлашишига қарамасдан, ШХТ ўзи масъул бўлган минтақанинг бекарорлик ёйига айланишига, янги аср бўсағасида бу ерда юзага келган бўшлиқни радикал мафкуралар ва экстремистик оқимлар томонидан тўлдирилишига, ёлғон қадриятларни сингдиришга йўл қуймади”, деб ёзади.⁵⁶ Бошқа, асосан, гарблик кузатувчилар эса ШХТнинг минтақавий хавфсизлик ташкилоти сифатида қарор топа олмаганлигини⁵⁷ ва шу сабаб минтақадаги инқирозли вазиятларда ўзини намоён қилолмаганлигини таъкидлашади. Масалан, 2010 йили Қирғизистонда содир бўлган давлат тўнтариши ва кўп сонли қурбонларга сабабачи бўлган қонли этник тўқнашувга ШХТ аралашмаганини ва бу уни “хавфсизлик ташкилоти” деб таснифлашдан йироқ эканлигини кўрсатади.⁵⁸ ШХТнинг том маънода минтақавий хавфсизлик воситасига айлана олмаганлигига яққол мисол сифатида Гарб кузатувчилари унинг Афғонистон можаросида тутган “суст” позициясини асос қилиб келтиришади.⁵⁹ Қолаверса, айrim хорижий таҳлилчилар ШХТ хавфсизлик ташкилоти сифатида шаклланмаганлигини, унинг дастлаб Фарбда ташвиш билан қарши олинган “аксилнато” блоки сифатида қарор топмаганини ҳам рўкач қилишади. Улар ҳатто ташкилотнинг хавфсизлик соҳасидаги асосий фаолияти – терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашда амалда катта муваффакиятларга эриша олмаган, деган

⁵⁵ Ван Чаоцин. Дееспособность при сотрудничестве в области безопасности в рамках ШОС. // Журнал «Теория и практика людостенного развития». С.:54-59.

⁵⁶ Алимов Р.К. Шанхайская организация сотрудничества: становление, развитие, перспективы. 2017 г. М.: Издательство «Весь Мир». 336 с. С.78-79.

⁵⁷Boland, Julie, “Ten Years of the Shanghai Cooperation Organization: A Lost Decade? A Partner for the U.S.” // The Brookings Institution, 21st Century Defense Initiative Policy Paper, June 20, 2011.

⁵⁸Sarah Lohschilder. The Shanghai Cooperation Organization as a Multilateral Security Platform in Central Asia // Journal of Public and International Affairs 2017(1) P.101-120.

⁵⁹Richard Weitz. Afghanistan, Not New Members, Will Determine SCO’s Relevance. // World Politics Review. July 14, 2015. <https://www.worldpoliticsreview.com/articles/16223/afghanistan-not-new-members-will-determine-sco-s-relevance>

фикрни илгари суришади.⁶⁰ Шунингдек, ШХТ доирасида коллектив хавфсизлик ва тезкор ҳаракатланувчи кучларининг йўқлиги, фавқулодда вазиятларга қарши кураш, табиий ва экологик инқирозларни бартараф қилиш, ноқонуний миграция ва қочоқлар билан боғлиқ муаммоларни тезкор ҳал қилишни назарда тутувчи амалий механизмларнинг яратилмаганлиги унинг “камчиликлари” дея баҳоланади.

Лекин бундай танқидлардаги етишмовчиликлар шундан иборатки, уларда ШХТ азалдан ва моҳиятан том маънода хавфсизлик ёки ҳарбий ташкилот бўлмаганлигига жиддий эътибор қаратилмайди. *Биринчидан*, тузилманинг Марказий Осиёда стратегик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ҳиссасини анча кенг таҳлил қилиш керак. Барқарорлик ва хавфсизлик – жуда кенг тушунчалар, улар нафақат мамлакат суверенитетини таъминлаш ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, балки иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий барқарорлик масалаларини ҳам қамраб олади. Айнан шундай ёндошув ташкилотнинг минтақадаги барқарорлаштирувчи ролини тўлиқ очиб беради. *Иккинчидан*, танқидчилар ташкилотнинг таъсисчи ҳужжатлари – Шанхай декларацияси ва Хартияда “ШХТ сиёсий, хавфсизлик, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш”ни мақсад қилган тузилма эканлигига етарлича эътибор беришмайди. Таъсисчи давлатлар аввалдан ШХТни “коллектив хавфсизлик” ёхуд ҳарбий-сиёсий иттифоқ шаклида тузишни режалаштирган.⁶¹ *Учинчидан*, танқидчилар “Шанхай руҳи” деган тушунчанинг чуқур моҳиятига, унинг ташкилот ҳаётидаги ўрнига етарлича эътибор қаратишмайди. Ҳиндистонлик тадқиқотчи Амит Р.Саксена таъкидлаганидек, “Шанхай руҳи” Марказий Осиё

⁶⁰ SCO Fails to Turn Into an “Eastern NATO”. Eurasia Daily Monitor Volume: 8 Issue: 116. By: Pavel Felgenhauer. <https://jamestown.org/program/sco-fails-to-turn-into-an-eastern-nato/>

⁶¹ И.Зуенко, Э.Султанова, Р.Нуримбетов. 20 лет Шанхайской организации сотрудничества: выводы для России и Центральной Азии // Журнал «Окно в АТР», № 53 ИЮНЬ 2021. С.10-12.

республикалари учун Россия ва Хитой томонидан таҳдид олдидағи иммунитетни яратып берди.⁶² Бу эса үз навбатида, Москва ва Пекин кучли мавқега эга бўлишига қарамасдан, минтақа мамлакатларининг тузилма кун тартиби юзасидан консенсус тамойили ёрдамида үз манфаатларини рўйёбга чиқариш имкониятини яратади. Ўз устунлигига қарамасдан, Россия ва Хитойнинг ШХТ доирасида илгари сурган лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ эта олмаслик ҳолатлари мавжуд.⁶³

Шунингдек, айрим хорижлик эксперталарда ШХТга нисбатан муайян “қолиплар” сақланиб колмоқда. Уларнинг ташкилот хусусидаги фикр ва қарашлари, биринчидан, ташкилотнинг даставвал, яъни “Шанхай бешлиги” давридан бошлаб асосан чегарада хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий барқарорликни кучайтиришга асосий эътибор қаратилганлигидан келиб чиқади. Натижада, уларнинг давр ўтиши билан ШХТ кун тартиби бошқа масалалар, шу жумл-адан, иқтисодий ва гуманитар мавзулар ҳисобига кенгайганлигини инобатга олишмайди. Иккинчидан, аввалги бобда таъкидланганидек, ташкилотни Россия ва Хитой ўртасида Марказий Осиёни назорат қилиш мақсадида тузилган “келишув” натижаси, Ғарб сиёсий қадриятларини шубҳа остига қўйядиган ва НАТОга рақобатчи ҳарбий блок деб талқин этишлар ҳалиям мавжуд.

**ШХТнинг Марказий Осиёдаги
барқарорлаштирувчи ҳиссаси
қўйидагиларда үз ифодасини топади**

- 1990-йилларда Марказий Осиёнинг ёш республикалари хавфсизлигига янги хатарлар -

халқаро терроризм ва экстремизмнинг таҳдид солаётган давр эди. Улар үз суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш ҳамда минтақада

⁶²Structural and policy problems prevent the SCO from being an effective Central Asian security organization. Amit R. Saksena. The Diplomat. July 25, 2014

⁶³М.Ларуэль, Себастьен Пейруз. Региональные организации в Центральной Азии: характеристики взаимодействий, дилеммы эффективности. Университет Центральной Азии. Институт государственной политики и управления Доклад №10 2013.

барқарорликни таъминлашда ташқи кучлар қўмагига муҳтож эди. Шу маънода Марказий Осиё реуспубликалари нуқтаи назарида ШХТ - Россия ва Хитой билан кўп томонлама ҳамкорлик механизмини яратиш орқали ўз суверинитетини ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга бўлган интилиш эди.⁶⁴

- тузилма минтақада йирик ташқи куч марказининг яққол геосиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилишга йўл қўймади, шу орқали Марказий Осиёда стратегик мувозанатни таъминлаб берди. Хусусан, ШХТ омили РФ ва XXР учун минтақанинг АҚШ ва НАТО таъсири доирасига тушиб қолмаслигини кафолатлаган бўлса, Марказий Осиё мамлакатлари учун – анча эркин ташқи сиёsat юритиш, етакчи куч марказлари манфаатларини мутаносиблаштириш ва муайян фойда олиш имконини берди.

- ташкилот Россия ва Хитойнинг Марказий Осиёдаги стратегик манфаатларини мутаносиблаштириш орқали уларнинг конструктив ҳамкорлигини таъминлаб келмоқда. Рақобатли манфаатларига қарамасдан, расмий Москва ва Пекин ШХТни мулоқот учун муҳим минтақавий механизм деб билади. РФ нуқтаи назарига кўра, ШХТ Хитой учун Марказий Осиёда “кўп томонамали ўйин” қоидаларига мувофиқ ҳаракатланиш ва шу сабаб унинг минтақадаги “иштиёқларини” жиловлаб туришга хизмат қиласди. XXР учун эса Марказий Осиёга таъсирини “легитимизация” қилиб берди, яъни унга институционал шаклни киритди.⁶⁵ Шунингдек, ШХТ иккала йирик давлат рақобати йўлида қайсиdir маънода “қалқон” ролини ҳам бажариб берган, яъни улар ўртасида келишмовчиликларни тинч ва дипломатия йўли билан ҳал этиб, ўзаро рақобатини конструктив ечимлар топишга йўналтиришга хизмат қилган.

⁶⁴ Р.Нуримбетов. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг шаклланиши ва ривожланиш истиқболлари // Жамият ва бошқарув. №4 (90) 2020. 161-167 бб.

⁶⁵Zhao Huasheng, “China’s View of and Expectations from the Shanghai Cooperation Organization,” // Asian Survey. Vol. 53, No. 3 (May/June 2013), pp. 436-460.

Шу маънода РФ ва ХХР ўртасидаги рақобат минтақадаги жараёнлар, бу ердаги давлатлар хавфсизлиги, суверенитети ва худудий яхлитлиги учун путур етказиши мумкин бўлган зиддият даражасига чиқмаганлигига ШХТнинг аҳамияти катта. Агар Марказий Осиёда сақланиб қолаётган чегаравий, этник ва сув ресурслари билан боғлиқ зиддиятлар салоҳиятини, шунингдек, минтақа атрофидаги таҳдидларни инобатга оладиган бўлсақ, бу жуда муҳим омил эканлиги аён бўлади. Шу боис унинг кучлар мутаносиблигини таъминлашдаги муваффақияти ҳатто ШХТга танқидий фикрда бўлган кўплаб эксперталар томонидан ҳам ташкилотнинг “энг сермаҳсул сиёсий натижадорлиги” сифатида баҳоланади.⁶⁶

Айрим кузатувчилар ШХТ Марказий Осиё мамлақатлари учун минтақани “ўз таъсир доираси” деб билган Россия томонидан сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий тазиёқни юмшатишга хизмат қилган, деб таъкидлашади. Бунда Хитойнинг Марказий Осиё давлатларининг “ички ишларига арашмаслик” тамойилига асосланган сиёсати ва унинг иқтисодий ёрдами Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон учун Россия таъсирини тийиб туришда жуда кўл келди. Демак Марказий Осиё давлатлари иккита йирик қўшнининг “рақобатли ҳамкорлиги”дан унумли фойдаланишни ўрганиб олишган ва бунда ШХТ платформаси жуда муҳим роль ўйнади.

- Пекиннинг Москвага нисбатан “мувозанатлаштириш” роли Марказий Осиё давлатлари учун ташқи сиёсатда анча эркин, Россия етакчилигидаги КХШТ ва ЕОИИга аъзолигига қарамасдан, АҚШ ва НАТО билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик қилиш имкониятларини кенгайтирди. Хитойнинг ШХТ орқали Марказий Осиё давлатларининг мустақил ташқи сиёсат юритишидаги бундай “ижобий” ҳиссасини уларнинг РФнинг Грузия

⁶⁶Alyson J. K. Bailes, Pál Dunay, Pan Guang and Mikhail Troitskiy. The Shanghai Cooperation Organization // SIPRI Policy Paper No. 17.

ва Украина ички ишларига аралашувини қўллаб-қувватламаганлигига ҳам кўриш мумкин. Бундан, айниқса, Ўзбекистон анча унумли фойдаланган.⁶⁷

ШХТ платформаси Марказий Осиё давлатлари учун Россия ва Хитой таъсирини АҚШ ва умуман Ғарбнинг тазиқини камайтиришга ҳам хизмат қилди.

Бу, айниқса, инсон ҳукуқлари ва демократия шиори остида ички ишларга аралишишга бўлган ҳаракатларни тийиб туришга

тааллуқли. Масалан, 2005 йилда содир бўлган “Андижон воқеалари” туфайли Ғарбнинг сиқувига тушиб қолган Ўзбекистон учун Остона саммитида қабул қилинган Декларацияни келтириш мумкин. Унда ташкилотга аъзо давлатларнинг АҚШга Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий базаларини олиб чиқишининг аниқ муддатларини белгилаш талаби ифода этилган эди.⁶⁸

Демак РФ етакчилигига постсовет маконида бошқа ташкилотлардан фарқли ўлароқ, ШХТ Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақада XXР эвазига стратегик мувозанатни ушлаб туриш, расмий Москва ва Пекин ўртасида эркин сиёсий-дипломатик ҳаракатланиш ҳамда Ғарбнинг тазиқига қарши туриш имкониятларини ҳам яратиб берган.⁶⁹

- Россия ва Хитой ШХТ ёрдамида минтақа давлатларини ўша даврда постсовет маконида авж олган “рангли инқилоблар” орқали амалга оширилган сиёсий режимларни алмаштиришга бўлган уринишлардан

⁶⁷Қаранг: Stephen Aris. Shanghai Cooperation Organization. Mapping // Multilateralism in Transition No. 2. International Peace Institute. https://www.ipinst.org/wp-content/uploads/publications/ipi_e_pub_shanghai_cooperation.pdf ; Marc Lanteigne. Russia, China and the Shanghai Cooperation Organization: Diverging Security Interests and the ‘Crimea Effect’// Book “Russia’s Turn to the East. Domestic Policymaking and Regional Cooperation. Editors. Helge Blakkisrud, Elana Wilson Rowe.Springer, 2018. pp 119-138

⁶⁸Degang Sun, Hendy Elmahly. NATO vs. SCO: A Comparative Study of Outside Powers' Military Presence in Central Asia and the Gulf. // Asian Journal of Middle Eastern and Islamic Studies. Volume 12 (4), 2018. Pages 438-456;

⁶⁹David Erkomaishvili. Making Sense of the Shanghai Cooperation Organisation’s Enlargement. // New Eastern Europe June 20, 2016. <https://neweasterneurope.eu/post-author/david-erkomaishvi li/>

ҳимоялашга хизмат қилган.⁷⁰ Кўплаб ғарблик қузатувчиларнинг бу масалага нисбатан фарқли ёндошуви – бошқа масала.

Шунингдек, ташкилотнинг сиёсий таъсири ва халқаро майдондаги нуфузининг кучайиши Марказий Осиёда сиёсий-ижтимоий барқорорлик ва иқтисодий ривожланиш учун имкониятларнинг кенгайишига хизмат қилди, дейиш мумкин. Айниқса минтақага Хитой инвестициялари оқимининг ортиши ва ўзаро савдо-иқтисодий алоқларнинг фаоллашуви ёш республикаларда ички иқтисодий-ижтимоий барқарорлашиш ва ташқи иқтисодий диверсификация сиёсатини юритиш имкониятларини кенгайтирди. 2001-2013 йилларда ШХТ Хитойнинг Марказий Осиёдаги сиёсатини юргизишда асосий платформа бўлиб хизмат қилганини эсдан чиқармаслик керак. ШХТдаги иштироки туфайли Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонга Хитой томонидан кўплаб иқтисодиёт, таълим ва ижтимоий соҳаларда грантлар ажратилиб келинади.⁷¹

Шу билан бирга, ШХТнинг Марказий Осиёдаги “барқарорлаштирувчи” ролини тан олган ҳолда, ушбу ташкилотнинг минтақадаги “энг таъсирчан” кўп томонлама тузилмага айланиши минтақа республикалари учун фақат ижобий жиҳатларга эга дегани эмас. Хусусан, Россия ва айниқса ХХР мазкур механизмдан ўзининг минтақадаги мавқеларини мустаҳкамлашда фойдаланаётгани ва бу Марказий Осиёда ташқи кучларнинг иштирокисиз “соф минтақавий интеграция”ни тадбиқ этишга имкон бермаяпти. Хусусан, хитойшунос олим А.Ходжаев ШХТнинг минтақада ХХР позицияларининг кучайишига хизмат қилишини таъкидлаб, бу ташкилот фақат бир мамлакат (яъни Хитой) экспорт оқимининг ортишига эмас, ўзаро савдода мувозанатни таъминлашни тартибга солиш ва

⁷⁰Richard Weitz. The Shanghai Cooperation Organization: A Fading Star? The Asian Forum. August 11,2014. <http://www.theasanforum.org/the-shanghai-cooperation-organization-a-fading-star>

⁷¹ "Китай играет созидательную и конструктивную роль в ШОС" Интервью Генерального секретаря ШОС В.Норова Информагентству СИНХУА. 29.09.2019. <http://russian.people.com.cn/nhtml>

айрим томонларнинг “катта режалари” учун воситага айланмасилиги керак, дейди. Марказий Осиёда интеграция жараёнларини мустаҳкамлаш ва чукурлаштириш механизми сифатида ШХТ айнан минтақа мамлакатларининг тараққиёти учун хизмат қилиши муҳим. Марказий Осиё давлатлари Хитойнинг ортиб бораётган таъсирини Россия ҳисобига мутаносиблаштириши мумкин, лекин бунинг учун РФ иқтисодий житхатдан қудратли бўлиши керак.⁷²

Айрим хорижлик эксперталар Марказий Осиё минтақавийлигининг (Central asian regionalism) тадбиқ этилмаганлиги кўпроқ ташқи омилларга, яъни Россия ва ХХР таъсирига тушиб қолганлигига, деб билишади. Қолаверса, Қозоғистоннинг биринчи президенти Н.Назарбаев томонидан “Марказий Осиёчилик” ўрнига “Евроосиёчилик” концепцияси устувор деб танланиши 2005 йилда “Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти”нинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (кейинчалик у ЕОИИга айланган) кўшилиб кетиши билан ўз интихосига етган эди. Натижада, Хитой ва Россия ШХТ ва ЕОИИдан минтақадаги ўз таъсирини кучайтириш йўлида фойдаланмоқда, бу эса Марказий Осиё мамлакатларининг уларга нисбатан ягона иқтисодий блокни шакллантиришга йўл бермаяпти.⁷³

Демак, ШХТнинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ролини унинг “коллектив хавфсизлик ташкилоти” ёки “интеграция тузилмаси” сифатида қарор топгани ёки топмаганлиги нуқтай назаридан баҳо бериш – унинг минтақадаги барқарорликка ва умуман геосиёсий жараёнларда тутган ўрнини тўлақонли очиб бермайди. Бир томондан, 2000 йиллар бошида минтақада хавфсизликни таъминлашда, ҳалқаро террорчилик ва диний эстермизм хавфларига қарши курашда, шунингдек “рангли инқилоблар”нинг Марказий Осиёга ёппасига кириб

⁷² Ходжаев А.Х. Китайский фактор в Центральной Азии. -Т.: 2020. С.342.

⁷³ Sebastian Krapohl & Alexandra Vasileva-Dienes. The region that isn't: China, Russia and the failure of regional integration in Central Asia. // Asia Europe Journal volume 18, pages347–366 (2020)

келишнинг олдини олишда ШХТ барқарорлаштирувчи роль ўйнади. У Марказий Осиёда “геосиёсий бўшлиқ”нинг кескинлашиб кетишининг олдини олишга ёрдам берди.

Бошқа томондан, бу ташкилот Хитой ва Россиянинг минтақадаги геосиёсий позицияларини кучайтиришга хизмат қилгани ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг уларга сиёсий ва иқтисодий боғлиқлигининг ҳам кучайишига олиб келди.

Шу билан бирга, ташкилотга аъзо давлатлар сонининг кўпайиши, айниқса унга Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларининг киритб келиши ШХТдаги кучлар мувозанатига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Хулоса ўрнида фикримизча, ШХТнинг бундай эволюциясидан Марказий Осиё мамлакатлари ўз манфаатлари учун унумли фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Хусусан, бу ташкилотда якка ёки кичик бир гурӯҳ йирик давлатларнинг яққол устун бўлиш эҳтимолини сусайтиради, бу эса доим ўртамиёна ва кичикроқ мамлакатлар учун қулай. Қолаверса, ўзаро боғлиқлик тобора кучайиб бораётган бугунги ҳалқаро муносабатлар тизитмида Евроосиёснинг қоқ юрагида жойлашган Марказий Осиё мамлакатлари ШХТдан истиқболда кенг – транспорт, иқтисодиёт, рақамли боғлиқликни ривожлантириш йўлида самарали кўптомонлама платформа сифатида фойдаланишлари мумкин.

Ҳаволалар

1. Р.Алимов. Алимов Р.К. Шанхайская организация сотрудничества: становление, развитие, перспективы. 2017 г. М.: Издательство «Весь Мир». 336 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашиининг мажлисидаги нутқи. Самарқанд шаҳри, 2022 йил 16 сентябр.
<https://aza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning->

[shanxay-hamkorlik-tashkilotiga-azo-davlatlar-rahbarlari-kengashining-mazhlisidagi-nutqi 408173](#)

3. <http://rus.sectsco.org/news/20210602/758686.html>
4. Т.Бордачёв. Конец международных институтов. 22.10.2020.
<https://globalaffairs.ru/articles/konecz-institutov/>
5. Mario Telò, 2020. "Regionalism and Global Governance: The Alternative between Power Politics and New Multilateralism," *Annals of the Fondazione Luigi Einaudi. // An Interdisciplinary Journal of Economics, History and Political Science, Fondazione Luigi Einaudi, Torino (Italy)*, vol. 54(2) December 2020, p. 5-34.
6. Е.А.Достанко. Влияние мультилатерализма на деятельность международных организаций: теоретические основания и практическое измерение // Научные труды Республиканского Института Высшей школы. №16, 2017. С.54-60.
7. John Gerard Ruggie. *Multilateralism: the Anatomy of an Institution.* // *International Organization*, Vol. 46, No. 3 (Summer, 1992), pp. 561-598.
8. Hanns W. Maull (Hg.) *Auflösung oder Ablösung? Die internationale Ordnung im Umbruch. SWP-Studie. S 21 Dezember 2017 Berlin.* https://www.swp-berlin.org/fileadmin/contents/products/studien/2017S21_mul_hq.pdf
9. Juergen Rueland. "Principled Multilateralism" versus "Diminished Multilateralism:" Some General Reflections. *Multilateralism in a Changing World Order.* p. 1-12. Editors: Christian Echle, Patrick Rueppel, Megha Sarmah, Yeo Lay Hwee. Konrad-Adenauer-Stiftung 2018.
10. Juergen Rueland, Ўша жойда.
11. Бу тушунчаларга илмий адабиётларда, ҳар бир назарий мактаб ёндашуви ва услугидан келиб чиқиб жуда кўплаб, ҳамто мунозарали, таърифлар берилади.
12. Michael Wesley. *Mediating the global order: the past and future of Asia Pacific regional organizations.* // *Asia-Pacific Security: Policy Challenges.* Edited by: David W. Lovell . Published by ISEAS Publishing 2003<https://doi.org/10.1355/9789812307088>
13. Louise Fawcett. *Exploring Regional Domains:* // *A Comparative History of Regionalism.* June 2004. *International Affairs* 80(3):p.433.
14. Hosli, M. O., & Selleslags, J. (Eds.). (2020). *The Changing Global Order.* // *United Nations University Series on Regionalism.* 2020. p.147
15. Минтақавийлик назариясида минтақавий ҳамкорликнинг барча турлари, шу жумладан, минтақавий ташкилотлар ҳам жараён, феномен сифатида ўрганилади.
16. К.А.Ефремова. От регионализма к трансрегионализму: теоретическое осмысление новой реальности. // Сравнительная политика и geopolitika. 2017, Т.8, №2, сс.58-70
17. Ю.А.Никитина. От интеграции к регионализму: эволюция теорий регионального межгосударственного сотрудничества // Вестник МГИМО-Университета. 2010; (6(15)):134-140.
18. М.Тело. Регионализм и будущее глобального управления. // Международные процессы. Том 15, №3, сс.113-119.
19. Kanika Gupta. *Globalization and the Theory of New Regionalism: A Post Cold-War Theoretical Perspective on Regional Organizations.* // *The International Journal of Humanities & Social Studies.* Vol 2 Issue 7 July, 2014 p.236-242

20. Михайленко, Е. Б. «Старый» и «новый» регионализм: теоретический дискурс : курс лекций : [учеб. пособие] / Е. Б. Михайленко; [науч. ред. М. М. Лебедева]; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. Федерал. ун-т. — Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2014. - 116 с.
21. М.Л.Лагутина, Е.Б.Михайлов. Регионализм в глобальную эпоху: обзор зарубежных и российских подходов. // Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. 2020, Т.20, №2, Сс.261-278
22. Louise Fawcett. Exploring Regional Domains: A Comparative History of Regionalism. June 2004. // International Affairs 80(3):p.433.
23. Илмий адабиёттарда минтақавий келишувлар сони “Совук уруш” якуни ва 2000 йил орасыда беш маротаба ортганлиги қайд этилади. Caporaso 2002;
24. Hosli, M. O., & Selleslags, J. (Eds.). (2020). The Changing Global Order. // United Nations University Series on Regionalism. 2020. p.150
25. Theories of New Regionalism. A Palgrave Reader. Edited by Fredrik Söderbaum and Tim Shaw. 2003.
26. Kanika Gupta. Globalization and the Theory of New Regionalism: A Post Cold-War Theoretical Perspective on Regional Organizations. // The International Journal Of Humanities & Social Studies. Vol 2 Issue 7 July, 2014 p.236-242
27. “Глобал бошқарув” түшүнчеси, глобаллашув натижасыда халқаро муносабаттарда нафақат суверен давлаттар, балки ноҳукумат ташкилотлар, трансмиллий компаниялар ва бошқа янги турдаги акторларнинг иштирокини назарда тутади.
28. Bhagwati, J. Regionalism versus Multilateralism. // The World Economy. 1992. 15(5)/ pp.
29. Maria J. Debre. The dark side of regionalism: how regional organizations help authoritarian regimes to boost survival. // Democratization . Volume 28, 2021 - Issue 2. P. 394-413 /; Alexander Libman, Anastassia V. Obydenkova. Understanding Authoritarian Regionalism. // Journal of Democracy. № 4 (2018). P. 151–65.
30. Л.Лагутина, Е.Б.Михайлов. Регионализм в глобальную эпоху: обзор зарубежных и российских подходов. // Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. 2020, Т.20, №2, Сс.261-278
31. Alexander Libman, Anastassia V. Obydenkova. Understanding Authoritarian Regionalism. // Journal of Democracy. № 4 (2018). P. 151–65
32. О.А. Романов. Евразийская регионализация в контексте глобальных трансформаций миропорядка: историческое значение и сущность. Вестник Томского государственного университета. История. 2017. № 50, С.76-83; Н.А.Васильева, М.Л.Лагутина. Формирование евразийского союза в контексте глобальной регионализации // Евразийская экономическая интеграция. № 3 (16) 2013. С.19-29.
33. Н.А.Васильева, М.Л.Лагутина. Ўша жойда.
34. Krapohl, S., Vasileva-Dienes, A. The region that isn't: China, Russia and the failure of regional integration in Central Asia. // Asia Europe Journal 18, 2020. p. 347–366.
35. Ходжасаев А.Х. Китайский фактор в Центральной Азии. -Т.: 2020. С. 329.
36. Gudrun Wacker. Die «Shanghaier Organisation für Zusammenarbeit» Eurasische Gemeinschaft oder Papiertiger? // SWP-Studie 2001/S 22, August 2001, 41 Seiten
37. Allison, R., Jonson L. (editor) Central Asian Security: The New International Context. // Royal Institute of International Affairs, Brookings Institution Press, Washington. 2001.

38. Hosli, M. O., & Selleslags, J. (Eds.). (2020). *The Changing Global Order. // United Nations University Series on Regionalism.* 2020. p.180.
39. Р.Нуримбетов, И.Комилов. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти: янги халқаро муносабатлар модели сифатида // Шарқ мамлакатларидағи халқаро муносабаттарнинг замонавий трансформацияси мавзусидаги Республика миқёсида анъанавий илмий-амалий конференция материаллари түплами. Т – 2021. 12-17 бб.
40. Kanika Gupta. *Global Politics And Theories Of Regional Organisations: Studying The Shanghai Cooperation Organisation from the new regionalism perspective World Affairs:* // *The Journal of International Issues.* Vol. 20, No. 3 (Autumn (July-September) 2016), p.28
41. Қаранг: *The Shanghai Cooperation Organization and Eurasian Geopolitics. New Directions, Perspectives, and Challenges.* Edited by Michael Fredholm. // NIAS Press. 2012, 304 pages.
42. Уибу тамойиллар, ўз навбатида, XXP ҳуқуматининг “тинч юксалии” тараққиёт концепциясидаги ташқи сиёсий тамойилларга таянади. Бу мавзу кейинги параграфда батасылроқ кўриб чиқлади.
43. Dong Wang & Weizhan Meng. *China debating the regional order.* // *The Pacific Review Volume 33,* 2020 - Issue 3-4. Pages 497-519
44. A.Libman. *Regionalization in Central Asia.* // EDB Eurasian Integration Yearbook. 2009. https://eabr.org/upload/iblock/6ef/edb_yearbook_2009.pdf
45. *The Shanghai Cooperation Organization and Eurasian Geopolitics. New Directions, Perspectives, and Challenges.* Edited by Michael Fredholm. // NIAS Press. 2012. P.206
46. *The evolution of the Shanghai Cooperation Organisation* // *Strategic Comments.* Volume 24 Comment 19 July 2018.
47. Fredrik Söderbaum. *Early, Old, New and Comparative Regionalism: // The Scholarly Development of the Field.* No. 64 / October 2015. https://www.polsoz.fu-berlin.de/en/v/transformeurope/publications/working_paper/wp/wp64/WP-64-Soederbaum.pdf
48. *The Shanghai Cooperation Organization and Eurasian Geopolitics. New Directions, Perspectives, and Challenges.* Edited by Michael Fredholm. // NIAS Press. 2012. P.61
49. Farkhod Talipov. *On the Role of the Central Asian Cooperation Organization within the SCO.* // *Journal “Central Asia and the Caucasus” №3 (27),* 2004. P.146-154

50. Ksenia Kirkham. *The formation of the Eurasian Economic Union: How successful is the Russian regional hegemony?* // *Journal of Eurasian Studies*. Volume 7, Issue 2, July 2016, Pages 111-128.
51. 2014 йил 29 майда қабул қилингандай Евроосиё иқтисодий Иттифоқи тұғрисидагы Шартноманинг 13-моддасига мувофиқ, аъзо давлатнинг ташкилотдан чиқши масаласи ўша мамлакатнинг овозини инаобтга олмаган ҳолда “консенсус-1” шаклида амалга оширилади. Яъни, амалда бу ерда Россия ЕОИИнинг бошқа аъзо давлатларига тазъийиқ үтказган ҳолда, муайян мамлакатнинг аъзоликдан чиқшиига йўл қўймаслиги мумкин. Россия ташқи сиёсатида, айниқса ЕОИИ доирасида босим үтказиши “одатий ҳол” эканлигидан келиб чиқилса, юқоридаги фикрга ойдинлик киритилади. Қаранг: “Договор о Евразийском экономическом союзе” https://docs.eaeunion.org/docs/ru-ru/0003610/itia_05062014
52. Thomas Ambrosio. *Catching the 'Shanghai Spirit': How the Shanghai Cooperation Organization Promotes Authoritarian Norms in Central Asia.* // *Europe-Asia Studies*. Vol. 60, No. 8 (Oct., 2008), p. 1327.
53. Р.Алимов. Алимов Р.К. Шанхайская организация сотрудничества: становление, развитие, перспективы. 2017 г. М.: Издательство «Весь Мир». 336 с.
54. Рахматулла Нуримбетов. Роль ШОС в современных международных отношениях: взгляд из Узбекистана // Междуннародная жизнь. Апрель 2021. С.52-57.
55. Ван ЧАОЦИН. Дееспособность при сотрудничестве в области безопасности в рамках ШОС. // Журнал «Теория и практика люзественного развития». С.:54-59.
56. Алимов Р.К. Шанхайская организация сотрудничества: становление, развитие, перспективы. 2017 г. М.: Издательство «Весь Мир». 336 с. С.78-79.
57. Boland, Julie, “Ten Years of the Shanghai Cooperation Organization: A Lost Decade? A Partner for the U.S.?” // The Brookings Institution, 21st Century Defense Initiative Policy Paper, June 20, 2011.
58. Sarah Lohschilder. *The Shanghai Cooperation Organization as a Multilateral Security Platform in Central Asia* // *Journal of Public and International Affairs* 2017(1) P.101-120.
59. Richard Weitz. *Afghanistan, Not New Members, Will Determine SCO's Relevance.* // *World Politics Review*. July 14, 2015. <https://www.worldpoliticsreview.com/articles/16223/afghanistan-not-new-members-will-determine-sco-s-relevance>
60. SCO Fails to Turn Into an “Eastern NATO”. *Eurasia Daily Monitor* Volume: 8 Issue: 116. By: Pavel Felgenhauer.
61. <https://jamestown.org/program/sco-fails-to-turn-into-an-eastern-nato/>
62. И.Зуенко, Э.Султанова, Р.Нуримбетов. 20 лет Шанхайской организации сотрудничества: выводы для России и Центральной Азии // Журнал «Окно в АТР», № 53 ИЮНЬ 2021. С.10-12.
63. Structural and policy problems prevent the SCO from being an effective Central Asian security organization. Amit R. Saksena. *The Diplomat*. July 25, 2014
64. М.Ларуэль, Себастьен Пейруз. Региональные организации в Центральной Азии: характеристики взаимодействий, дилеммы эффективности. Университет Центральной Азии. Институт государственной политики и управления Доклад №10 2013.
65. Р.Нуримбетов. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари // Жамият ва бошқарув. №4 (90) 2020. 161-167 бб.

66. Zhao Huasheng, "China's View of and Expectations from the Shanghai Cooperation Organization," // *Asian Survey*. Vol. 53, No. 3 (May/June 2013), pp. 436-460.
67. Alyson J. K. Bailes, Pál Dunay, Pan Guang and Mikhail Troitskiy. *The Shanghai Cooperation Organization* // SIPRI Policy Paper No. 17.
68. Қаранг: Stephen Aris. *Shanghai Cooperation Organization. Mapping // Multilateralism in Transition* No. 2. International Peace Institute. https://www.ipinst.org/wp-content/uploads/publications/ipi_e_pub_shanghai_cooperation.pdf; Marc Lanteigne. *Russia, China and the Shanghai Cooperation Organization: Diverging Security Interests and the 'Crimea Effect'*.// Book "Russia's Turn to the East. Domestic Policymaking and Regional Cooperation. Editors. Helge Blakkisrud, Elana Wilson Rowe. Springer, 2018. pp 119-138
69. Degang Sun, Hendy Elmahly. *NATO vs. SCO: A Comparative Study of Outside Powers' Military Presence in Central Asia and the Gulf*. // *Asian Journal of Middle Eastern and Islamic Studies*. Volume 12 (4), 2018. Pages 438-456;
70. David Erkomaishvili. *Making Sense of the Shanghai Cooperation Organisation's Enlargement*. // *New Eastern Europe* June 20, 2016. <https://neweasterneurope.eu/post-author/david-erkomaishvi li/>
71. Richard Weitz. *The Shanghai Cooperation Organization: A Fading Star?* The Asian Forum. August 11,2014. <http://www.theasanforum.org/the-shanghai-cooperation-organization-a-fading-star>
72. "Китай играет созидательную и конструктивную роль в ШОС" Интервью Генерального секретаря ШОС В.Норова Информагентству СИНХУА. 29.09.2019. <http://russian.people.com.cn/nhtml>
73. Ходжаев А.Х. Китайский фактор в Центральной Азии. -Т.: 2020. С.342.
74. Sebastian Krapohl & Alexandra Vasileva-Dienes. *The region that isn't: China, Russia and the failure of regional integration in Central Asia*. // *Asia Europe Journal* volume 18, pages347–366 (2020)